

Мавзу: **ДАРЁЛАРНИНГ ЙИЛЛИК ОҚИМИ**

РЕЖА:

Йиллик оқимнинг ҳосил бўлиш омиллари ва унинг ўртacha кўп йиллик миқдори (меъери)

Йиллик оқим меъёрини кўп йиллик гидрометрик кузатишлар мавжудлигига ҳисоблаш.

Гидрологик қаторларнинг ўхашлиги репрезентативигини баҳолаш

Йиллик оқим меъёрини кузатиш маълумотлари етарли бўлмагандага ҳисоблаш.

Йиллик оқимнинг ҳосил бўлиш омиллари.

Иқлимий

- -----
- -----
- -----
- -----
- -----

Етқиҷ
қатlam

- -----
- -----
- -----
- -----
- -----

ЙИЛЛИК ОҚИМНИНГ ЎРТАЧА КҮП ЙИЛЛИК МИҚДОРИ

Оқим меъёри деб – сув объектларида (дарё ва сойлар) кузатилған күп йиллик ўртача сув сарфига айтилади. Гидрологик ҳисоблашларда оқим меъёри халқ хўжалигининг барча тармоқларини сув билан таъминлаш (сув омборлари, сув транспорти, энергетика, сув таъминоти ва бошқалар) мақсадида сув объектларини гидрологик режимини ўрганишда асосий оқим тавсифи ҳисобланади. Дарёларнинг гидрологик режими уларнинг тўйиниш манбасига боғлиқ равишида йиллар давомида ўзгариб туради.

Мисол учун Шимолий-Ғарбий худудларда шаклланадиган дарёларнинг ўртача оқим меъёрининг тебраниши

1км² да 0,5 л/сек бўлса,

Ўрта Осиё дарёларининг оқим меъёрининг тебраниши

1км² да 75 л/сек га тенг.

Мазкур ҳолатда халқ хўжалигининг барча тармоқларини узлуксиз сув билан таъминлаш масаласи сув объектларининг гидрологик хусиятларидан келиб чиққан ҳолда гидрологик ҳисоблашлар асосида амалга ошириш мумкин булади.

Йиллик оқим меъёрини аниқлашдаги ҳолатлар

- Гидрологик кузатиш маълумотлари етарли бўлганда;
- Гидрологик кузатиш маълумотлари етарли бўлмаганда;
- Гидрологик кузатиш маълумотлар умуман бўлмаганда.

Моментлар

Ўзоқ муддатли
кузатиш
маълумотлари
мавжудлигига

Ўхшашик

Уч параметрли
гамма-
тақсимланиш
усуларида
ҳисобланади.

аналитик

Күзатыш
маълумотлари
етарли
бўлмагандага

графоаналитик

график

C_v нинг
изочизиқлари

**Кузатиш
маълумотлари
умуман
бўлмагандага**

эмпирик
формулалар

Гидрологик кузатиш маълумотлари етарли бўлганда оқим меъериини хисоблаш

Гидрологик кузатиш маълумотлар етарли бўлганда оқим меъериини аниқлаш осонгина ўртacha кўп йиллик сув сарфи маълумотларининг ўртacha арифметик қийматини ҳисоблаш орқали аниқланади.

$$Q_0 = \frac{\sum Q_i}{n}$$

бу ерда: Q_i - ўртacha йиллик сув сарфи;
n- кузатув йиллари сони.

Кузатиш қаторининг репрезентативлиги (етарли эканлиги) йиллик оқим ўртacha кўпйиллик меъерининг нисбий ўртacha квадратик хатосини аниқлаш асосида баҳоланади ва қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_{Q_a} = \pm \frac{C_v}{\sqrt{n}} \cdot 100 \%$$

C_v - кузатиш қаторларининг ўзгарувчанлик коэффициенти;

Муайян аниқликтаги оқим мөйөрини аниклаш учун зарурий йиллар сони

Үзгарувчанлик коэффициенти,	Муайян аниқликтаги күзатиш йиллар сони (\pm)							
	4%	5%	6%	7%	8%	9%	10%	20%
0,15	14	9	6	5	4	3	2	1
0,20	25	16	11	8	6	5	4	1
0,25	39	25	17	18	10	8	6	2
0,30	56	36	25	19	14	11	9	2
0,35	76	49	33	25	19	15	12	3
0,4	100	64	44	33	25	20	16	4
0,45	126	81	55	42	32	25	20	5
0,5	156	100	69	50	39	31	25	6
0,55	189	121	83	62	47	38	30	8
0,6	225	144	99	74	56	45	36	9

Гидрометрик маълумотлар етарли
бўлмаганда оқим меъёрини
аниқлаш

Савол

Қайси ҳолатда гидрологик маълумотларни
етарли деб бўлмайди?

Жавоб:

Гидрологик кузатиш маълумотлари етарли бўлмаганда оқим меъёрини аниқлаш

Гидрологик кузатиш маълумотлари етарли бўлмаганда мавжуд қисқа муддатли кузатиш қаторларини ўзайтирилади. Гидрологик ҳисоблашларда бундай ҳолатларда қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

- гидрологик кузатиш маълумотлари етарли бўлган ухаш створ танлаш усули;
- қўп йиллик атмосфера ёғинлари миқдори бўйича мавжуд маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Ўхшаш дарё (створ) танлаш шартлари

- иқлимий тавсифларнинг бир хиллиги;
- вақт бўйича оқим ўзгаришларининг мослиги;
- рельеф хусусияти, тупроқ ва гидрогеологик шароитлар, сув йиғиш ҳавзасида музликлар ва ўрмонларнинг мавжудлиги;
- сув йиғиш ҳавзалари майдонлари ўртасидаги ўзаро нисбат 5 маротабадан фарқ қиласлиги лозим;
- оқимни ўзгаришга олиб келадиган антропоген таъсирлар (тўфон қурилиши, сувнинг олиниши ва ташлаб юборилиши) бўлмаслиги лозим.

Үхаш дарё ёки створни юқорида келтирилган талаблар бүйича аникланганидан сүнг үхаш вә үрганилаётган дарёлар йиллик оқими ўртасидаги боғланиш графиги тузилади. Үрганилаётган вә үхаш дарёлар түғри танланганлигини улар ўртасидаги корреляцион боғланиш орқали билишимиз мүмкин. Чунки үхаш дарё ёки створ вә үрганилаётган дарё ўртасидаги боғланиш корреляцион бўлиши лозим. Агарда улар орасидаги боғланиш бир-бирига мос келмаса у ҳолда корреляция коэффициенти аникланади вә регреция тенгламасига киритилади.


Корреляция коэффициенти

Корреляция коэффициенти қўйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади :

$$r = \frac{\sum (\Delta x \cdot \Delta y)}{\sqrt{\sum \Delta x^2 \cdot \sum \Delta y^2}}$$

$$r = \frac{\sum (\Delta x \cdot \Delta y)}{(n - 1) \delta_x \cdot \delta_y}$$

Корреляция усули гидрологик ҳисоблашларда қисқа муддатли кузатишларни узоқ даврга келтиришда кенг қўлланилади.



Угам дарёси Ходжикен сув ўлчаш жойи ва Қашқадарё дарёси Варганза сув ўлчаш жойидаги сув сарфлари ўртасидаги боғланиш графиги

**Угам дарёси Ходжикент сув ўлчаш жойи ва Қашқадарё дарёси Варганза сув
ўлчаш жойидаги ўртacha йиллик сув сарфи маълумотлари**

№	Йиллар	Ўртacha йиллик сув сарфлари, м ³ /с		№	Йиллар	Ўртacha йиллик сув сарфлари, м ³ /с	
		Қашқадарё	Угам			Қашқадарё	Угам
1	1963	4,73	25,0	26	1988	4,05	22,1
2	1964	7,78	25,4	27	1989	3,71	21,6
3	1965	3,27	14,5	28	1990	4,56	22,9
4	1966	3,22	22,1	29	1991	5,36	24,6
5	1967	2,64	19,8	30	1992	7,34	28,7
6	1968	4,54	27	31	1993	9,24	32,8
7	1969	14,1	43	32	1994	5,99	26,1
8	1970	4,61	21,2	33	1995	3,39	20,9
9	1971	3,08	17,9	34	1996	3,48	21
10	1972	6,41	25,8	35	1997	4,25	22,8
11	1973	5,63	25,7	36	1998	8,88	32
12	1974	3,12	22,1	37	1999	6,45	27,3
13	1975	3,83	22	38	2000	2,88	19,8
14	1976	5,08	24,6	39	2001	2,15	18,4
15	1977	2,21	18,4	40	2002	6,91	28
16	1978	5,17	24,2	41	2003	6,55	27,7
17	1979	5,72	25,7	42	2004	5,86	26
18	1980	5,17	24,2	43	2005	6,72	27,9
19	1981	6,36	26,9	44	2006	4,21	22,3
20	1982	3,76	21,7	45	2007	4,79	23,9
21	1983	3,85	21,9	46	2008	2,66	19
22	1984	3,44	21,2	47	2009	5,21	24,5
23	1985	4,06	22,3	48	2010	5,19	24,4
24	1986	1,43	16,7	49	2011	3,35	20,3
25	1987	6,41	27	50	2012	7,54	29,2
							$\sum Q_i = 1200,5$

Гидрологик маълумотлар умуман бўлмагандага йиллик оқим меъёрини ҳисоблаш

Гидрологик хисоблашлар амалиётида кўп ҳолатларда гидрометрик маълумотлар умуман бўлмагандага гидрологик тавсифларни хисоблашга тўғри келади. Будай ҳолатларнинг юзага келишининг асосий сабаби

- Ўрганилаётган дарёда гидрометрик тармоқ бўлмаслиги ёки маълумотлар етарли эмаслиги учун уларни узайтириш имкониятининг мавжуд эмаслиги.
- Ўрганилаётган дарёда гидрометрик тармоқ мавжуд ва маълумотлар давомийлиги етарли ёки мавжуд маълумотлар турли хил үхашадарё билан боғлиқ бўлган боғланишлар (сув сарфи, атмосфера ёғинлари) асосида тўпланган, лекин дарёning ўрганилаётган жойи учун туғри келмасли ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг ҳар бири ўзига хос хисоблаш үсуллари мавжуд бўлгани учун улар алоҳида кўрилади. Биринчи ҳолатда, яъни гидрометрик маълумотлар умуман бўлмаганда хисоблаш ишлари икки қисмдан иборат бўлади.

- а) Йиллик оқим меъёрини Q_0 аниқлаш;
- б) Йиллик оқим ўзгарувчанлик коэффициентини C_v аниқлаш.

Ушбу аниқланган параметрлар Q_0 ва C_v лар ёрдамида турли ҳил таъминланганликга эга бўлган ҳисобий сув сарфларини ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга ассиметрия коэффициенти $C_s=2C_v$ тенг деб олсак қуйидаги усуллар ёрдамида оқим меъёри Q_0 ни ҳисоблаш мумкин.

- а) оқимнинг изочизиқ хариталари ва оқимнинг ўртача йиллик модули графиклари усули;
- в) ўхашалик усули;
- г) сув баланси tenglamasi усули;
- д) эмперик формулалар усули

Бундан ташқари

Ўрта Осиёning тоғли худудлари учун
В.Л.Шульц раҳбарлигига $M_0=f(H_{yp})$
боғланишни ифода этувчи графиклар
тузилган бўлиб графикларнинг барчаси
маълум худудларга мослаштирилган

Мустақил ишлаш учун топширик

- Оқим меъёрини ҳисоблаш. Сув баланс тенгламаси ва уни оқимни ҳисоблашда қўллаш. Йиллик оқим меъёрининг Марказий Осиё худуди бўйича тақсимланиши.
- O’rtacha kengligi $B=1000\text{m}$ va uzunligi $L=6,5 \text{ km}$ bo’lgan daryo havzasining oqim moduli $M_0= 3,4 \text{ l/s.km}^2$ va oqim koeffitsienti = 0,15 ga teng bo’lsa oqim me’yori va bug’lanish miqdorini aniqlang.

$$B= N*100 (\text{м}); M_0=N*0,15$$

N-журнал бўйича талабанинг тартиб рақами

- Suv sarfi $50\text{m}^3/\text{s}$ bo’lgan daryoning quyidagi gidrologik tavsiflarini aniqlang. Oqim koeffitsientini O’zbekiston uchun o’rtacha qiymatiga teng deb hisoblansin.

$Q ,\text{m}^3/\text{s}$	D	$\Sigma L , \text{km}$	M	h	x
$N*10$	1,02	4,8			

Мавзу: Йиллик оқим үзгарувчанлиги

РЕЖА:


*Йиллик оқимнинг ҳисобли миқдорларини кузатиш
маълумотлари ҳар турли бўлганда аниқлаш*

*Оқимнинг йил ичида тақсимланиши ва унга
тасвир этувчи омиллар*

*Ўрта Осиё дарёлари учун кузатиш маълумотлари
мавжудлигида ва умуман бўлганда оқимнинг йил
ичида тақсимланишини аниқлаш ва ҳисоблаш*

Йиллик оқим үзгарувчанлиги

Дарёлар оқими доимий бўлмасдан, хар йили үзгариб туради. Бундай үзгаришни гидрологик ҳисоблашларда қуидаги үзгарувчанлик (вариация) коэффициенти билан ифодаланади ва C_v билан белгиланади:



Охангарон дарёсининг ўртача кўпийиллик сув сарфининг ўзгариши графиги

$$C_v = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (k-1)^2}{n-1}}$$

Бу ерда: C_v ўзгарувчанлик коэффициенти

Бу ерда: K -_____ (номини ва формуласини келтиринг)
 $k > 1$ _____, $k < 1$ _____, $k = 1$ _____ (холатларни таърифланг)

n -_____ (номини келтиринг)

C_v ўзгарувчанлик коэффициенти, унинг қиймати $\frac{кўп}{C_v = 0 \div 1,00}$ холатларда оралиғида ўзгаради.

Қуйидаги холатни таърифланг: $C_v = 0$ бўлганда _____
 $C_v = 1$ бўлганда _____

Ўзгарувчанлик коэффициентининг дарёниг түйиниш манбаига боғликлиги

- Ўзгарувчанлик коэффициенти дарёниг маълум бир сув ўлчаш жойи бўйича айрим давр учун ҳисобланади.
- Унинг қиймати дарёниг тўйиниш манбаига, дарёниг сув йиғилиш ҳавзасининг ўртacha ўлчанганд баландлигига боғлик.
- Бизга маълумки, Ўрта Осиёning барча дарёлари асосан қор сувларидан тўйинади. Демак, кўпчилик дарёларда, айрим дарёда канча сув бўлиши тоғлардаги қор сувлари захирасига боғлик.

Музлик-қор сувларидан түйинувчи дарёларда оқим миқдори

- Музлик-қор сувларидан түйинувчи дарёларда оқим миқдори кам үзгаради. Бундай дарёларда йиллик оқим үзгарувчанлиги коэффициенти күпинча 0,10-0,15 орасида бўлади.

Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар ўзгарувчаник коэффициенти

Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар (Норин, Чирчик, Сирдарё, Коғирниҳон ва Сурхандарё ва бошк.) 0,15 дан 0,25 гача бўлган ўзгарувчаник коэффициентига тенг.

Сув йиғилиш ҳавзалари паст жойлашган, мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари билан тўйинувчи дарёларда оқим ўзгарувчанлиги

Сув йиғилиш ҳавзалари паст жойлашган, мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари билан тўйинувчи дарёларнинг оқими йилдан-йилга кескин ўзгариб туради.

Чунки бу дарёларнинг тўйинишида хар йили мавсумий қорларнинг ахамияти катта. Бундай дарёларда (Қашқадарё, Охангарон, Арис, Калас ва шу каби дарёларда) C_v одатда 0,25 дан катта ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Сойларда йиллик оқим миқдори янада кўпроқ ўзгарувчан бўлади ва C_v қиймати 1,00 га яқинлашиб қолади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё дарёларида ўзгарувчанлик коэффициенти 0,08-0,60 орасида бўлиши кузатилади.

Йиллик оқим үзгарувчанлиги аниқлашдаги холатлар

Моментлар

Ўзоқ мұддатли
күзатиши
маълумотлари
мавжудлигіда

Ўхашашик

Уч параметрли
гамма-
тақсимланиш
үсули
ҳисобланади.

аналитик

Күзатыш
маълумотлари
етарли
бўлмагандага

графоаналитик

график

C_v нинг
изочизиқлари

**Кузатиш
маълумотлари
умуман
бўлмагандага**


эмпирик
формулалар

Дарёларнинг
йиллик оқими
ўзгарувчан

Нима учун

Чунки.....

Нима учун



Оқимнинг йил ичида тақсимланиши

Оқимнинг йил ичида тақсимланиши бевосита иқлимий ва бошқа табиий омилларга боғлиқ бўлиб, сув истеъмолчилар ва сувдан фойдаланувчиларни сув билан таъминлаш режаларини тузиш ва сув ресурсларини бошқариш мақсадларида барпо этиладиган сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларининг асосий парметрлари аниқланади.

Оқимнинг йил ичида тақсимланиши бўйича асосий тавсифлар Б.Д.Зайков томонидан берилган.

Зайков Б.Д. МДХ давлатлари ҳудудида шаклланадиган дарёларни уч турга бўлиб, уларга қуийдагича таъриф беради:

Б.Д.Зайков бўйича дарёларнинг гурӯҳларга бўлиниши

- Сув тошқинлари баҳор ойларида кузатиладиган дарёлар
- Тулин сув даври йилнинг иссиқ ойларида тўғри келадиган дарёлар
- Тулин сув режимидаги дарёлар